

## **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ХАЙР-ЭҲСОН ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)**

*Тоғайев Зокир Тилолович*

*Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси*

*Аннотация. Мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятидаги хайр-эҳсон ва меҳр-мурувват кўрсатиши жамиятлари фаолияти архив ҳужжатлари ва манбавий аҳамиятга эга бўлган ҳисоботлар қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, Скобелев (янги Маргилон) Эски Маргилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Ўш шаҳарларида “Туркистон хайр эҳсон жамияти”нинг бўлимлари очилиб, улар ҳузурида “Етим болаларга гамхўрлик қилиши уюшмаси” (Скобелев), “Хайр эҳсон кўрсатиши уйи” (Қўқон, Скобелев), “Кексаларга, маҳаллий аҳолига хизмат ва меҳрибонлик кўрсатиши” жамият бўлими, “Ярадор ва касал ҳарбийлар Туркистон лазарет жамиятининг Фарғона вилоят бўлими”, “Ҳаракатдаги армия Туркистон лазарети” хайр-эҳсон жамият бўлими, “Туркистон савдо-саноат биродарлиги”, “К.М.Соловьев ва Ко” фирмалари ҳам “Лазар старообрядлар жамияти” каби хайр-эҳсон ва меҳр-мурувват кўрсатиши жамиятлари фаолияти тадқиқ этилган.*

*Калит сўзлар: Скобелев, “Туркистон хайр эҳсон жамияти”, “Хайр эҳсон кўрсатиши уйи”, “Кексаларга, маҳаллий аҳолига хизмат ва меҳрибонлик кўрсатиши” жамияти, “Ҳаракатдаги армия Туркистон лазарети” хайр-эҳсон жамият бўлими, “Туркистон савдо-саноат биродарлиги”, “К.М.Соловьев ва Ко”, “Лазар старообрядлар жамияти”, конфессия, старообряд.*

## **ИСТОРИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫХ ОБЩЕСТВ В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ (КОНЕЦ XIX - НАЧАЛО XX ВВ.)**

*Тагаев Закир Тилолович*

*преподаватель Навоийского государственного педагогического  
института*

*Аннотация. В статье приводится сравнительный анализ архивных документов и отчетов источниковой ценности о деятельности благотворительных обществ Туркестанской губернии в Ферганской области в конце XIX - начале XX веков. Также, в городах Скобелев (новый Маргилан), старый Маргилан, Коканд, Наманган, Андижан, Ош были открыты секции «Туркестанского благотворительного общества», при котором действуют секции «Ассоциация заботы о сиротах» (Скобелев), «Дом пожертвования» (Коканд, Скобелев), отделение общества «Служение и доброта пожилым людям, местному населению» Ферганское региональное отделение Туркестанского общества лазарета раненых и больных - Отделение общества пожертвований «Туркестанское торгово-промышленное братство», Фирмы «Г.М.Соловьев и ко» также изучали деятельность благотворительных обществ, таких как «Общество Лазаря старообрядца».*

*Ключевые слова: Скобелев, «Туркестанское общество пожертвований», «Дом пожертвований», общество «Оказание услуг и доброты пожилым людям, местным жителям», «Армия в действии, Туркестанский лазарет», хайр-отделение общества пожертвований, «Туркестанское торгово-промышленное братство», «К.М.Соловьев и ко», «Лазар старообрядцы общество», исповедь,*

*старообрядчество.*

## THE HISTORY OF CHARITABLE SOCIETIES IN THE FERGHANA REGION (LATE XIX - EARLY XX CENTURIES)

*Tagaev Zokir Tilavovich*

*Teacher of the Navoi State Pedagogical Institute*

*Abstract. The article presents a comparative analysis of archival documents and reports of source value on the activities of charitable societies of Turkestan province in the Ferghana region in the late XIX - early XX centuries. Also, in the cities of Skobelev (new Margilan), old Margilan, Kokand, Namangan, Andijan, Osh, sections of the Turkestan Charitable Society were opened, under which sections «Association for the Care of Orphans» (Skobelev), «Donation House» (Kokand, Skobelev), a branch of the society «Service and Kindness to the Elderly» operate people, the local population» Ferghana regional branch of the Turkestan Society of the infirmary of the wounded and sick - The Department of the donation Society «Turkestan Commercial and Industrial Brotherhood», the Firm «G.M.Solovyov and co.» also studied the activities of charitable societies, such as the «Lazarus Society of the Old Believer».*

*Keywords: Skobelev, «Turkestan Donation Society», «Donation House», society «Rendering services and kindness to elderly people, local residents», «Army in action, Turkestan Infirmary», khair-branch of the donation Society, «Turkestan Commercial and Industrial Brotherhood», «K.M.Soloviev and co.», «Lazar Old Believers society», confession, Old Believers.*

1. Долзарблиги: Ҳар қандай жамиятда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва ўзаро холис ёрдам сингари эзгу ғояларни, халқимиз табиатига хос бўлган юксак одамийлик фазилатларини ўзида мужассам этган азалий урф-одат ва анъаналарнинг қарор топишига кўмаклашиш, одамларнинг маиший ҳаёти ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган меҳр-шафқат ва ҳайри-эҳсон амалларини тарғиб қилувчи ва шу соҳада фаолият кўрсатаётган давлат, жамоат, хусусий ва бошқа ташкилотлар фаолияти тарихини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар: Мақола тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик каби метод ва тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятидаги хайр-эҳсон ва меҳр-мурувват кўрсатиш жамиятлари фаолияти тарихи ёритилган. Шунингдек, ушбу жамият ва уюшмалар ўз маблағлари манбасини аъзолик бадаллари, концерт-спектакл томошалари, лотарейя ўйинлари, турли акциялардаги иштирокдан келадиган йиғимлар, шунингдек, айрим бадавлат кишиларнинг жамғармаси маблағлари ҳисобларидан шакллантирилганлиги масалалар кўрсатилган.

3. Тадқиқот натижалари: Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятида XIX аср охири XX аср бошларида бир қатор хайр-эҳсон ва мурувват кўрсатиш жамиятлари фаолият юритган. Фарғона вилоятида XIX аср охирида «Туркистон хайр эҳсон жамияти» Фарғона вилояти бўлимлари худудидаги бир қатор шаҳарларда ўз ишини бошлаган. Бундай шаҳарлардан Скобелев (янги Марғилон) Эски Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон, Ўш шаҳарларида «Туркистон хайр эҳсон жамияти»нинг бўлимлари очилиб, улар ҳузурида «Етим болаларга ғамхўрлик қилиш уюшмаси» (Скобелев) [1], «Хайр эҳсон кўрсатиш уйи» (Қўқон, Скобелев), «Кексаларга, маҳаллий аҳолига хизмат ва меҳрибонлик

кўрсатиш” жамият бўлими кабилар фаолият юритганди.

Ушбу жамият ва уюшмалар ўз маблағлари манбасини аъзолик бадаллари, концерт-спектакл томошалари, лотарейя ўйинлари, турли акциялардаги иштирокдан келадиган йиғимлар, шунингдек, айрим бадавлат кишиларнинг жамғармаси маблағлари ҳисобларидан шакллантирди. Ушбу хайр-эҳсон кўрсатиш бўлимларида мулкисиз, қашшоқ, тирикчилик манбаи йўқ кишиларни овқатлантириш, моддий жихатдан қўллаш, ногирон, кекса, касал ва мухтожларга пул билан ёрдам кўрсатиш, эҳсонга ҳамда бошпанага мухтожлар учун уй қуриб бериш, қаровсиз қолган болаларни ҳимояга олиш ва уларни бошланғич мактабларга жалб этиш, етим-есир қаровсиз қолганларни махсус тарбияга олиш каби турли туман иш йўналишлар қўлланилди.

Фарғона вилояти хайр эҳсон жамиятлари ва ҳар бир бўлимнинг тўпланган ва йиллар давомида харажат қилинган маблағлари аниқ ҳисоб-китоб қилиб борилган. Қуйидаги жалвалда 1899 ва 1900 йилларда Фарғона вилояти хайр-эҳсон жамиятлари бўлимларининг маблағ миқдори ва харажати ҳақида маълумот келтирилди [2].

Бўлим номи	Маблағи		Харажатлари		Қолдик	
	1899	1900	1899	1900	1899	1900-1901
<b>Марғилон бўлими</b>	1.648 руб. 83 коп.	2596 руб 82 коп.	1970 руб 58 коп.	2213 руб 80 коп.	1502 руб 38 коп.	3.033 руб 25 коп.
<b>Қўқон бўлими</b>	4.190руб 92 коп.	5.120руб 60 коп.	1478 руб 70 коп.	1654 руб 35 коп.	6178 руб 55коп.	7.110 руб 35 коп.
<b>Наманган бўлими</b>	1.580 руб 64 коп.	Маълумот мавжуд эмас				

Юқорида келтирилган жадвал хайр-эҳсон жамиятларидаги мавжуд маблағлар ва сарф-харажатлар ҳақида тўлиқ маълумот бермасида, бу борадаги тасаввуримизни бир назар кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот давомида амин бўлиндики, 1900-1910 йилларда “Россия Қизил ярим ой жамияти”нинг Фарғона вилоятидаги Скобелев ва Наманган шаҳарларида маҳаллий бошқармалари фаолият кўрсатган. Скобелев шаҳрида ушбу жамиятнинг ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш бўлими мавжуд эди [3].

Фарғона вилоят Қизил ярим ой жамиятининг маҳаллий бошқармаси жамғарма маблағи 1900 йил 18 январгача 4.022 рубль 27 коп. бўлган ҳолда, 1901 йил январь ҳолатида эса 4.726 рубль 23 коп. бўлиб, 1900 йилда Санкт-Петербург (Қизил ярим ой жамияти бош Бошқармаси)га 4.283 рубль 91 коп. миқдорида маблағ юборилган.

Қизил ярим ой жамиятининг Наманган қўмитаси томонидан Бош Бошқармага 1900 йил январь ҳолатида 581 рубль 60 коп.; 1901 йил 1 январь ҳолатида эса 792 рубль 72 коп., 1900-1901 йиллар давомида ушбу қўмитанинг Санкт-Петербургга юборган маблағларининг ҳажми 898 рубль 12 коп.ни ташкил этган. Қизил ярим ой жамиятининг Қўқон ва Наманган қўмиталари ногирон ва касалларини даволашга 1250 рубль 70 коп. маблағни сарфланган [4].

Фарғона вилоятида фаолият юритган хайр-эҳсон ва меҳрибонлик кўрсатиш уюшмалари орасида Биринчи жаҳон уруши йилларида “Ярадор ва касал ҳарбийлар Туркистон лазарет жамиятининг Фарғона вилоят бўлими” фаолияти

билан боғлиқ маълумотлар тарихий ҳужжатларидан ўрин олган.

Ушбу бўлим урушда жароҳат олган бир умрга касалланиб қолган ва майиб-мажруҳ бўлган ҳарбийларга, шунингдек, собиқ ҳарбий хизматчиларнинг бевалари ва қаровсиз қолган болаларига ғамхўрлик қилиш учун аҳоли ҳамда ҳарбийлар орасида маблағ тўплаш акцияларини ташкил этган.

Фарғона вилоят ҳарбий губернатори 1915 йил 24 январда Туркистон генерал-губернаторига йўллаган хабарномасида: “Ярадор ва касал ҳарбийлар Туркистон лазарет жамияти” ҳисобига Фарғона вилояти уездларидан 1914 йил ва 1915 йилнинг январигача қуйидагича миқдорда маблағ тўпланди, деб хабар қилган:

Скобелев уездидан – 6.684 рубль 34 коп.

Кўкон уездидан – 3.698 рубль 16 коп.

Анджон уездидан – 1.670 рубль 61 коп.

Наманган уездидан – 1.286 рубль 30 коп.

Ўш уездидан – 97 рубль 35 коп.

Фарғона вилояти бўйича жами 13.627 рубль 0,5 коп.

Аввал тушган маблағлар билан қўшиб ҳисоблаганда Фарғонадан жами 67.548 рубль 77 коп. тўпланди [5].

Ўша давр пулининг кадри ҳисобга олинса юқоридаги сумма оз эмаслиги аён бўлади. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики “Ҳаракатдаги армия Туркистон лазарети” ҳайр-эҳсон жамият бўлими ҳам Фарғона вилоятида иш юритган. 1915 йил 10 февралда Фарғона ҳарбий губернатори Туркистон ҳарбий округи штаб бошлиғига ҳисобот берар экан; “Ҳаракатдаги армияга ёрдам жамияти” учун 1915 йилнинг январда эски Марғилондан 191 рубль, Кўкон уездидан 10 822 рубль 72 коп., Наманган уездидаги 499 рубль 17 коп. (яна қўшимча 24 рубль 50 коп.) жами: вилоят бўйича, 11.512 рубль 89 коп. тўпланган.

Аввалги йилда (1914 йил) шаҳар ва уездлардан тўпланган маблағлар билан қўшиб ҳисобланганда жами: 79.052 рубль 66 коп. тўпланган” [6] деб хабар қилганди.

Маълумки, Россия империясидан Туркистонга, жумладан, Фарғона вилоятига кўчирилган русийзабон аҳоли асосан христианликнинг проваслав оқими эътиқодида бўлиб (90 фоизи) бироқ, бошқа эътиқоддагилар (немис менолитлари, молаканлар, баптистлар штундицтлар, рим-католик лютеранлар, протестантлар арианлар, хлистлар кабилар) оз сонли бўлсада мавжуд эди. Ушбу эътиқоддагилар учун ибодат уйлари очишга рухсат берилди. Бироқ, Иезуит (Исо биродарлари) оқимидагилар учун ибодатхона қуришни таъқиқлаш сиёсати қўлланилганди.

Бундай диний конфессиялар орасида нисбатан кўп сонли бўлиб, улар ўзлари тўплаган ҳайр-эҳсон маблағлари ҳисобига 1906 йилда Анджон шаҳрида “Муқаддас лазар” номи билан Муқаддас ибодатхона очдилар. Ушбу ибодатхонага Фарғона вилояти шаҳар ва уездларидан Сторообряд эътиқодидагилар келиб ибодат қилиши учун мўлжалланганди. Ўша 1906 йилда “Туркистон савдо-саноат биродарлиги”, “К.М.Соловьев ва Ко” фирмалари ҳам “Лазар старообрядлар жамияти” тузиш ва улар ибодатхонасини қуришга маблағ билан ёрдам берган [7].

“Старообрядлар жамоаси” ҳайр-эҳсон уюшмалари жамоа аъзолари бадаллари, ҳомий ташкилотлар маблағи асосида ўзининг банкдаги алоҳида ҳисоб-рақамига эга бўлди. Ҳукуматга шу мақсадда 4 рубль 50 коп. герб солиғи тўпланди. 1906 йил 17 октябрда ушбу жамият ҳақида ҳукумат расмий нашрларда махсус эълон берилди [8]. Мазкур жамият ҳам моддий жиҳатдан қийналган, ночор ва камбағал, қаровсиз қолган старообряд эътиқодидаги шахсларга моддий

ва амалий ёрдам кўрсатиб келди.

4. Хулосалар:

Хуллас, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон генерал губернаторлигига қарашли Фарғона вилоятинининг бир қатор уезд ва шаҳарларида ҳайр-эҳсон кўрсатиш уюшмалари имкон қадар аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қисмига ғамхўрлик қилишга қаратилган савоб ва хайрли ишларни амалга оширди. Ушбу уюшмалар асосан кўчириб келинган аҳолига хизмат кўрсатиб, туб жой миллатларга деярли эътибор қаратмагани ва улар манфаати ҳисобга олинган эмасди.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Обзор Ферганской области за 1899 год. г.Новый Маргилан тип Фергана обль. 1901.-с 240-242; Обзор Ферганской области за 1900...- С. 113-116.
2. Обзор Ферг.обл. за 1898 г. -С.240-241; отчет Ферг.обл.за 1900 г. –С. 113-115
3. Статический обзор Ферганинской области за 1910 год. Г.Скобелев; 1912. С.174-175
4. Отчёт Ферг. обл. за 1900; за 1901; С.242; С.116.
5. ЎМА, И-1-фонд, 27 рўйхат, 741 йиғма жилд, 96-варақ
6. ЎМА, И-1-фонд, 27 рўйхат, 741 йиғма жилд, 222-варақ
7. ЎМА, И-1 фонд, 27-рўйхат, 624 йиғма жилд, 1-варақ, 1 варақнинг орқаси, 2-варақ, 2-варақнинг орқаси, 3-варақ, 3-варақ орқаси, 4-варақ.
8. ЎМА, И-1 фонд, 27-рўйхат, 624 йиғма жилд, 4-варақнинг орқаси, 5-варақ, 5-варақнинг орқаси, 6-варақ.